



11.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва Олот туман Махалла ва оилани қуллаб қувватлаш булими ўртасида  
2099460,00 сўм умумий суммага тузилган 04 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб  
Шахсий ғазна хисобварақ

259

100022860062047011402259001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи.    | Харажатлар тури**<br>(бюджет таснифининг тегишли коди) |  | Жами                |
|------------------------|--|--|---------------------|
|                        | 4222000  |  |                     |
| Январь                 | 699 600,00   |  | 699 600,00          |
| Февраль                | 699 600,00   |  | 699 600,00          |
| Март                   | 700 260,00   |  | 700 260,00          |
| Апрель                 |  |  |                     |
| Май                    |  |  |                     |
| Июнь                   |  |  |                     |
| Июль                   |  |  |                     |
| Август                 |  |  |                     |
| Сентябрь               |  |  |                     |
| Октябрь                |  |  |                     |
| Ноябрь                 |  |  |                     |
| Декабрь                |  |  |                     |
| <b>Жами йил бўйича</b> | <b>2 099 460,00</b>                                    |  | <b>2 099 460,00</b> |

Жами 2099460,00 сўм

Икки миллион тўқсон тўққиз минг тўрт юз олтмиш сўм 00

тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан                    сўм ёки % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20                    ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 30 санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_ й.

Джураев Валишер Имомкулович  
Ф.И.Ш.

Тахиров Дилшод Астанович  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_ й.



# Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг 04 -сонли ШАРТНОМАСИ.

«11» январ 2022 йил

Олот шахри

Низом асосида фаолият юритувчи Олот тумани «Махалла ва оиласи кўллаб кувватлаш бўлими» (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади), раҳбари В.Джураев бир томондан ҳамда Низом ва 20 20 йил «1 » 1101 да сонли берилган

ишончномаасосида фаолият юритувчи АК “Узрансгаз” Олот тумани филиали (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади), раҳбари

М. Уакиударов иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

Олот туман “Махалла ва оиласи кўллаб кувватлаш бўлими” (Хўжалик юритувчи субъект номи) (бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари В.Джураев бир томондан ва АК “Узрансгаз” Олот тумани филиали (газ етказиб берувчи корхонанинг номи) (бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари М. Уакиударов иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табии газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул килиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёлларга (Табии газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол килиниши таҳмин килинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20 20 йилда 3181 куб.м, нархи 660 минг сўмни ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I квартал 3181 куб. м, январь 1060, февраль 1060, март 1061.  
II квартал — куб. м, апрель —, май —, июнь —.  
III квартал — куб. м, июль —, август —, сентябрь —.  
IV квартал — куб. м, октябрь —, ноябрь —, декабрь —.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлашидан издан чиқсан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 20 йилда зарур бўлган табии газнинг минимал ҳажми — минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил килади:

I квартал — тыс. куб. м, январь —, февраль —, март —.  
II квартал — тыс. куб. м, апрель —, май —, июнь —.  
III квартал — тыс. куб. м, июль —, август —, сентябрь —.  
IV квартал — тыс. куб. м, октябрь —, ноябрь —, декабрь —.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табии газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табии газ ҳажмлари бўйича табии газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу хакида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

2.1. Газ ушбу Шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усууллар орқали билан хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари: 104  
Истеъмолчи манзили ва телефон раками: Олот түсер. Олот кўзаси 73/а уй 65-34-21-3-65



- 2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ кувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол кискартирилади.
- 2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.
- 2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 2.8. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ захира ёкилfiga ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.
- 2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.
- 2.10. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ амалга оширилади.
- 2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.
- 2.12. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.
- 3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоклари бўлинини чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.
- Газ тармоги бўлинини чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоги бўлинини нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт. Етказиб берилган газ учун хисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига қўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни  $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760 \text{ mm}$  симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади. Истеъмолчи томонидан газни тижорий хисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи курилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва қиши мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вактида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.
- 3.3. Газни сарфланишини хисоблашда қўйидаги кўрсаткичлар инобатта олинади:

- а) манометрлар ва термометрлар созлиги, уларнинг давлат текширувни амал қилиш муддати;  
б) ГТШни юргизиши (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳақиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида қайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмаганда  $P_{\text{ортиқча}} = 1,0 \text{ kgc/cm}^2$  коэффициенти кўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгаришишларни 12 соатдан кечиқтирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вактида ва ҳакконий киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4. Газ сарфини хисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари кувватига мувофиқ бўлиши лозим. Агар табиий газ хисобга олиш курилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини хисобга олиш техник тавсифи??нг пастки чегараси бўйича қабул қилинади. Бунда Истеъмолчи 15 кун мобайнида газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошқа газни хисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни хисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортида кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини хисобга олиш тизими ўзаро хисоб-китоблар учун ярокли хисобланади.

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлари бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Олинган газ учун хисоб-китоб, қўйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

- а) газни хисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш;  
б) газни хисоблаш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишли хисоб-китоб қиёслов муддати тугаган вактдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни хисоблаш приборини ўрнатиш вактигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамга бутлиги бузилиши, ҳисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олинганлиги аникланган ҳолатларда;

г) газ кувурлари ёки ГТШларда, газни таксимлаш тармокларини технологик иш режимини бузадиган курилмаларни ўрнатиш.

3.7. Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юкори кувват билан ишлаб туришига нисбатан аникланади, бироқ, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланади.

Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корхонани ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускунани тамғалаб қўйиши шарт.

3.8. Ҳисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва қоидаларга асосан ўтказилади.

3.9. Табиий газни ҳисоблаш учун факат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун ярокли эканлигини тасдиқловчи хужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал килувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.

3.11. Ҳисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вактида давлат қиёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик ҳисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

3.12. Ҳисоблаш приборларини қиёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунига мувофиқ амалга оширилади.

3.13. Ҳисоблаш приборларини қиёслов даврийлиги меъёрй-техник хужжатлар асосида белгиланади.

3.14. Ҳисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.15. Ҳисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамғаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юклатилади.

3.16. Ҳисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.

3.17. Ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.18. Ҳисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.

3.19. Ҳисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.

3.20. Ҳисоблаш приборини созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида кайд этилган ҳолатларда ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичida буюртма бериши лозим.

3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмолчининг буюртмасига кўра икки кун ичida Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.

3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирмасдан, дархол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.

Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аникланган тақдирда, мулкдор номувофиқларни бартараф этишини таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.

3.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг килиш ёки текширув натижаларидан норози бўлган Истеъмолчи, белгиланган тартибда юкори турувчи орган ёки судга мурожаат килиши мумкин.

3.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган қонунчиликка мувофиқ, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вактида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.

3.26. Бюро ходими ҳисоблаш приборларига кўймаслик ҳолати далолатнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳақда қайд этилади. Рад этиш ҳолати икки гувоҳ ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши керак. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён килиш хукукига эга, бу ҳақида далолатномага қайд этилади.

Далолатномага имзо қўйиши рад этиш Истеъмолчини газ тармоғидан узib қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида огохлантирилиши шарт.

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгарилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб ҳисобланмайди.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30 foiz суммасини олдиндан тўлайди;

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

- 4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширадилар.
- 4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.
- 4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.
- 4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.
- 4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.
- 4.12. Хисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мъёрлар бўйича хисоб-китоб қиласидан истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимиға киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аникланади.
- 4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида хисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисбот даврида Газни газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси истеъмолчидан қуидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:
- a) автоматик тарзда тўғриланадиган газни хисоблаш приборидан хисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
  - б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда хисблangan, Истеъмолчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технология йўқотишларнинг хисблangan ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.
- 4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечирилмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.
- 4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиорозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қиласиди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аникланашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим қиласиди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.
- 4.18. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 4.19. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик кувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.
- 4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласиди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

#### **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

- 5.1. Газдан фойдаланишида Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқукбузарликларга йўл кўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузилдиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.
- 5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувоғик Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Иsteъmolchini қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қиласиди.

#### **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТARTIBI**

- 6.1. Истеъмолчи газ тармоқларидан қуидаги ҳолатларда узиб қўйилади:
- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандা;
  - фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткини олишга кўйилмаганда; ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда; газни талон-тарож қилиш, газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошка газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари аникланганда.

6.2. Тармоқка қайта уланишда Истемолчидан ЭНГ кам иш ҳакининг ўн баравари миқдорида ҳак ундирилади.

6.3. Газ истемолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармоқларига истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

ўзига карашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни үз ҳисобидан таъмираш-тиклиш;

ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш; табиий газ етказиб бериш кискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истемолчиларни хабардор қилиш; табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож килинганлиги тўғрисида Бюро ва бошка хукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш; истемолчиларга йўрикномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш; Истемолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

истемолчиларни техник хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳакида туар жойлар йўлакларида эълонлар ёки бошка мавжуд усуллар орқали камиде уч сутка аввал огоҳлантириш; газдан фойдаланиш ускуналарини истемолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибига солиш органи томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича қуйидаги муддатларда таъмираш:

табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол; овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида; иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида; иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида. Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги хукукларга эга:

техник заруратга кўра, истемолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш;

газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни газ тармоғидан узиб кўйиш; Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш; газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истемолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш; ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аникланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истемолчи қуйидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш; газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш; газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш; ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш; газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик; Бюро ва газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемолчилини ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш; газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтинослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш; табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи харакатларни амалга ошираслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан куйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган холда узатилиши;

табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;

газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқукларга эга бўлиши мумкин.

### **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибида қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) захира ёқилғига ўтиш талаблари бажарилмагандан;

в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмагандан;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳакининг ўн беш баравари миқдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўялик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киши даврида вактинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил

24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узib кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмагандан, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани қайtариши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор өтказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки

ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

### **IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибида судга мурожаат қилишга ҳаклиdir.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

### **X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

10.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиши, кискартириш ёки қабул қилиш ҳуқуқига эга.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

10.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул киласадилар.

## XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

11.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

11.3. Шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бирни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳакида мурожаат килмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилик учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгacha белгиланади). Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгарилиши мумкин.

11.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади. Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

## XII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома қоидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибида ёхуд суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бирни учун иккита нусхада тузилган, ҳар иккана нусха бир хил юридик кучга эга.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

### «Корхона»

АҚ “Уэтрансгаз” Олот туман филиали

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Олот туман Файзобод МФЙ

Тел./факс 03653421876

(х/в ёки шФХ): 82634000905113960319

Банк номи: Тошкент ш. “Узсаноатқурулишбанки”

Ракат филиали.

МФО: 00435

СТИР: 306605769

ИФУТ 90214

### «Истеъмолчи»

Олот тумани “Маҳалла ва оилани қўллаб кувватлаш бўлими”

(буортмачи номи)

Манзил: Олот тумани Олот шахри 73/a уй.

Тел./факс 65-34-21-3-65

шФХ: 100022860062043011402259001

Тошкент Марказий банки МФО 00014

Ташкилотнинг СТИРи 207320343.

ИФУТ: 85100

Фазначилик бўлинмасининг номи Олот тумани бўйича  
Фазначилик бўлинмаси.

ЯФХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бўшкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО 00014 Фазначилик бўлинмасининг СТИРи 201122919

Буортмани рапорти \_\_\_\_\_ В.Джураев.  
(лавозими) (Ф.И.О.)

Рахбар



М. Йакибаев


(лавозими) (Ф.И.О.)

Фото

(имзо)

М. Й.

Хуқуқиунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_  
Гуваҳнома (диплом) № ва берилган санаси: \_\_\_\_\_



М. Йакибаев  
(имзо)  
М. Й.

Хуқуқиунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): М. Йакибаев  
Гуваҳнома (диплом) № ва берилган санаси: \_\_\_\_\_

